



2017 йил «29» июль

№ 697-У

**2017 манзилли дастур асосида қурилиши  
режалаштирилган манший хизмат кўрсатиш  
биносини қуриш учун ер майдони танлаб  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, “Ер кодекси”нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 15 майдаги “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК билан келишилган №1-10/1733-сонли келишув хати ва йиғилиш баёни, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 6 мартдаги №467-сонли экологик экспертиза хулосасини, “NUROBOD KELAJAK INVEST” хусусий корхонаси томонидан Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.006 гектар ер майдонига манший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган хатини ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 5 июндаги далолатномасини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. “NUROBOD KELAJAK INVEST” хусусий корхонасига Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.006 гектар ер майдонига манший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 5 июндаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. "NUROBOD KELAJAK INVEST" хусусий корхонасига куйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириги) ҳамда лойиҳа хужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш нazorат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га "NUROBOD KELAJAK INVEST" хусусий корхонаси томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини нazorат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. "NUROBOD KELAJAK INVEST" хусусий корхонаси томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Туман ҳокими

